

ЧЭИИ “Toshkentvino kombinati” АЖ акциядорлари диққатига!

ЧЭИИ “Toshkentvino kombinati” АЖ кузатув кенгашининг 2021 йил 24 мартдаги йиғилиш қарорига асосан жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2021 йил 19 апрель соат 15:00 да Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Навоий шоҳ кўчаси, 9-уй манзилида ўтказилишини маълум қилади.

Йиғилиш кун тартиби

1. Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.

2. 2020 йил якуни бўйича ташқи аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаб олиш ва унга тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27.10.2020 йилдаги ПФ-6096-сонли “Давлат иштироқидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида, жамиятнинг корхоналардаги улушини Давлат активларини бошқариш агентлигига ўтказиш ҳисобига жамият устав капитали миқдорини қайта кўриб чиқиш.

4. Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш.

5. Жамиятнинг аввал рўйхатдан ўтказилган акциялар чиқарилишларига ўзгартиришлар киритиш.

6. Жамият устав капиталини ошириш.

7. Қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорни тасдиқлаш.

Йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2021 йил 13 апрель ҳолатига кўра тузилади.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш 2021 йил 19 апрел соат 14:00 да бошланади.

Акциядорлар паспорт ёки акциядорлар вакиллари ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончномалар билан келишлари сўралади.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши бўйича тайёрланган ҳужжатлар билан танишиш учун: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Навоий шоҳ кўчаси, 9-уй.

Телефон: 71-205-54-45 (1010).